



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Рахимов Анвар Норимович -

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Бизнес ва инновацион менежмент
кафедраси мудири, доцент

Эшонқулов Жавоҳир Собирович -

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Олий математика кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a65

Аннотация. Саноат корхонларида ишлаб чиқариш жараёнлари имитацион моделлар асосида ифодаланган. Тизимли-интеграллашган ёндашувга асосланган модель орқали бутун тизимнинг умумий хусусиятларини кўрсатишга имкон яратиш усуллари, яъни иқтисодий қуввати самарадорлик кўрсаткичини аниқлашда р-даражага эришиш орқали ҳисоблаш модели ва саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватини тавсифловчи схема асосида ифодаланган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, имитацион модель, иқтисодий қувват, тизим, тизимли-интеграллашган ёндашув, корхонанинг самарадорлиги, функционал нормативлар, иқтисодий таҳлил.

МЕХАНИЗМ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЕМКОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Рахимов Анвар Норимович -

доцент Заведующий кафедрой «Управление
бизнесом и инновациями» Каршинского
инженерно-экономического института,

Эшонқулов Жавоҳир Собирович -

Старший преподаватель кафедры «Высшая
математика» Каршинского инженерно-
экономического института

Аннотация. Производственные процессы на промышленных предприятиях выражаются на основе имитационных моделей. Высказываются и предлагаются приемы, позволяющие показать общие характеристики всей системы через модель, основанную на системно-интегральном подходе, то есть путем выхода на р-уровень в определении показателя эффективности экономической мощи. расчетная модель и схема, описывающая производственную мощность промышленных предприятий.

Ключевые слова: промышленные предприятия, имитационная модель, экономическая мощь, система, системно-интегрированный подход, эффективность предприятия, функциональные регламенты, экономический анализ.

A MECHANISM FOR INCREASING THE ECONOMIC CAPACITY OF THE PRODUCTION OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Rakhimov Anvar Norimovich -

Associate Professor Head of the Department of
"Business and Innovation Management"
of the Karshi Engineering Economic Institute,

Eshonkulov Javohir Sobirovich -

Senior Lecturer, Department of Higher Mathematics,
Karshi Engineering Economics Institute

Abstract. Production processes in industrial enterprises are expressed on the basis of simulation models. Techniques are expressed and proposed that allow showing the general characteristics of the entire system through a model based on a system-integrated approach, that is, by reaching the p-level in determining the economic power efficiency indicator. calculation model and scheme describing the production capacity of industrial enterprises.

Key words: industrial enterprises, simulation model, economic power, system, system-integrated approach, enterprise efficiency, functional regulations, economic analysis.

Кириш. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи паст бўлса ҳам ишлаб чиқариш таклифи ва товар айланиши

юқори бўлса, иқтисодий қувват юқори бўлади. Масалан, Собик иттифоқ иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ривожланган мамлакатларники-

дан паст бўлишига қарамай, аҳоли сони кўплиги ва уларнинг эҳтиёжи қондирилганлиги (товар айланиши катта бўлган) сабабли иқтисодий қуввати бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда турган [2].

Ҳар бир саноат корхоналарининг самарадорлигини баҳолаш (иқтисодий қувват) саноат товарларининг айланиши орқали аниқланади.

$$N=HI \quad (1)$$

Бу ерда: N – саноат тизимнинг иқтисодий қуввати; I – ишлаб чиқариш таклифи ва товарнинг айланиши; H – иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи.

(1) формулага асосланиб қарасак, Ўзбекистонда саноат даражасининг сифат кўрсаткичи пастлигига қарамасдан, аҳоли сони ошириши натижасида саноат самарадорлиги иқтисодий қувватнинг ошишига сабаб бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бунда дастлаб ўрганилаётган жараённинг моҳияти белгилари, қўлланилаётган кўрсаткичлари, эндоген ва экзоген параметрлар орқали ифода этилади. Кейин иқтисодий қонунлар асосида керакли имитация тенгламалар келтирилиб чиқарилади. Бошқариш параметрларини ўзгартириш орқали натижалар олиш имконияти пайдо бўлади. Бу тенгламалар ўрганилаётган иқтисодий жараён, ҳодисаларнинг имитация моделидир.

А.А.Денисов ҳар бир саноат корхоналарининг самарадорлигини баҳолаш (иқтисодий қувват) саноат товарларининг айланиши орқали аниқланишини таъкидлайди [2].

Б.Беркинов ва Х.С.Мухитдиновнинг таъкидлашича, саноат тармоқларини ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларда ижтимоий жараёнларни ривожлантиришни моделлаштиришда автоматлаштирилган ахборот базасини яратиш учун имитация кўрсаткичлари ҳамда бошқаришнинг тизимли моделлаштириш услублари қўл келадиган [1].

Айни вақтда имитацияли моделлаштириш тизимига хос бўлган қатор афзалликларнинг мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат: ўрганишнинг осонлиги, моделни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг нисбатан камлиги, компиляторнинг ишончлилиги, моделлаштириш натижаларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилганлиги, дастурлашнинг универсал тилларда ёзилган модулларга уланиш мумкинлиги ва дастурлашнинг қулайлиги.

Шу билан бирга, мазкур тизим ўзига хос камчиликларга эга эканлиги Ю.С.Харин, В.И.Малюгин ва В.П.Кирлица каби олимлар томонидан эътироф этилган. Хусусан, унинг

етарли даражада мослашувчан эмаслиги, кўпроқ статистик моделлаштиришнинг маълум тоифасига мансуб бўлган моделларнигина ишлаб чиқишга қўллаш мумкинлиги каби камчиликлар асослаб берилган [3].

Н.Махмудовнинг таъкидлашича, саноатда иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий таъсир этувчи омилларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир саноат тармоғини баҳолаш ва прогноз қилишда тизимли интеграциялашган имитация моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [4].

Чунки тизимли-интеграллашган имитацион моделлаштиришда мураккаб жараёнлар олдин ЭҲМда тажриба ва имитация қилинади. Шу асосда бошқарув қарорлари қабул қилинади ва саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий қуввати таҳлил, синтез ва прогноз қилинади.

Л.И.Абалкиннинг таъкидлашича, саноат механизми фаолият юритишнинг шакл ва усуллари мажмуидир, ўз таркибига нафақат базавий, балки бир-бирига таъсир кўрсатувчи усткурмавий элементларни ҳам киритади [8].

Г.С.Сеялова фикрича, саноат корхоналари механизми ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули, фаолият юритиш шакли (режа, иқтисодий нормативлар, нарх, фойда, иш ҳақи, молия, кредит, қарор қабул қилиш) сифатида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантирувчи тизим, шунингдек, у нафақат ишлаб чиқариш муносабатларида, балки ишлаб чиқариш кучлари ва тузилмасини ташкил этиш демакдир [9].

Е.Е.Вершигора саноат механизми режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, бозор механизми ва ташкилий тузилманинг биргаликдаги ҳаракати ҳамда уйғунлиги натижасида юзага келишини таъкидлайди [10].

А.А.Саманов фикрича, ривожлантириш тизими ва ривожлантириш механизми бир хил эмас. Фарқи шундаки, механизм ўз таркибига ривожлантириш усуллари, шакллари ва функцияларини киритади. Тизим эса юқоридагилардан ташқари ўз таркибига ривожлантириш функцияларини бажарувчи ривожлантириш аппаратини ҳам киритади [11].

Фикримизча, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш механизмини эконометрик моделлар асосида доимий равишда ўзига нисбатан ҳаракатга келтириш зарур. Бу, энг аввало, тизимнинг ички мослашувчанлик ҳолати билан боғлиқ бўлган масалаларни таҳлил қилишга имкон яратади.

Тадқиқот методологияси. Саноат тармоқлари тизими тўлиқлигини таъминлашда унинг таркибий тузилмаси ҳар бир элементи учун тизимли ёндашув мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун саноат соҳаси мураккаб тизим деб қаралиб, уни ифодаловчи қонуниятлари,

миқдорий ва сифат томонлари ўрганилади. Мураккаб иқтисодий жараён сифатида қараладиган саноат тармоғи фаолияти таҳлилида имитация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлили ва натижалар. Саноат корхоналарининг иқтисодий қуввати самарадорлигини текшириш интеграцион ёндашув орқали ҳам вертикал (тизим бошқарувининг алоҳида элементлари ўртасида), ҳам горизонтал (маҳсулотнинг ҳар бир ҳаётгий даврида) амалга оширилади. Тизимли-интеграллашган ёндашувга асосланган модель орқали бутун тизимнинг умумий хусусиятларини кўрсатишга имкон яратилади.

$$\frac{\partial Xk(t)}{\partial t} = Xk\dot{\lambda}(t) - Xk\dot{\chi}(t) \quad (2)$$

$$Xk\dot{\lambda}(t) = Xk\dot{\lambda}_1(t) + Xk\dot{\lambda}_2(t) + \dots + Xk\dot{\lambda}_n(t)$$

– аҳолига жами саноатнинг n та турларидан олинадиган даромад;

$$Xk\dot{\chi}(t) = Xk\dot{\chi}_1(t) + Xk\dot{\chi}_2(t) + \dots + Xk\dot{\chi}_n(t)$$

– аҳолига жами саноатнинг n та турларига қилинадиган харажат.

Кўриб турганимиздек, интегратив хусусиятларнинг мавжудлиги тизим учун характерлидир, тизимда мавжуд бўлган, аммо унинг алоҳида элементларидан ҳеч бирига хос бўлмаган ёки уларнинг йиғиндисидан иборат.

Бу моделнинг вазифаси тизим ости эмас, бутун бир саноат соҳалари тизими самарадорлигини ҳисоблайди. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир саноат тармоғи учун ушбу моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Табиийки, мақсадимиз тизимли таҳлилда иқтисодий қуввати H -самарадорлик кўрсаткичини аниқлашда p -даражага эришиш орқали ҳисоблашдир. Буни қуйидаги икки асосли логарифм кўрсаткич самарадорлиги сифатида белгилашимиз мумкин [2]:

$$H = -\log_2(1 - p) \quad (3)$$


Бу ерда: H – саноат тармоғидаги эҳтиёжини қондиришнинг табиий самарадорлик кўрсаткичи (объектнинг фойдалилик характери); p – саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилганлик даражаси; $(1-p)$ – мақсадга эришиб бўлмашлик эҳтимоли.

(3) формуладан кўриб турганимиздек, иқтисодий самарадорлик даражаси қанчалик юқори бўлишига қараб аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси ҳам ошиб боради.

Агар эҳтиёж тўлиқ қондирилса, $p=1$ (бу, албатта, ҳеч қачон тўлиқ бўлмайди) самарадорлик чексиз $H_0 = \infty$ бўлади. Агар эҳтиёж ярим даражада қондирилса, яъни $p=0,5$ бўлса, у ҳолда самарадорлик $H_0=1$ бўлади. Агар аҳоли эҳтиёжи $p=0$ қондирилмаса, $H_0=0$ самарадорлик даражаси нолга тенг бўлади.

Дунё иқтисодиётида товарлар, капитал, ишчи кучи билан бир қаторда хизматлар бозори ҳам мавжуд. Ушбу бозор мураккаб тизимдан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Реал сектор бозори асосида кенг ва тез ривожланаётган жаҳон иқтисодиётининг саноат соҳаси ётади. Жаҳон иқтисодиётида саноат корхоналари ҳаётгийлик даражаси ва сифатини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, H самарадорлик қанчалик юқори бўлса, эҳтиёж ҳам шунчалик даражада ошиб боради. Демак, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлик даражаси сифат кўрсаткичини оширишда уйғотувчи куч ҳисобланади. Буни 2 -расмдан ҳам кўришимиз мумкин.



2 -расм. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватини тавсифловчи схема

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Бу ерда: H – самарадорлик кўрсаткичи (иқтисодий жараённи ҳаракатга келтирувчи куч); H_1 – ўзаро моҳият (ишлаб чиқариш харажатларидан келиб чиқади); H_2 – иқтисодий тизимли моҳият (истеъмолчи учун харажатларни чиқариб ташлаганда хизмат ёки саноатнинг охириги баҳоси. Масалан, хизмат таклифи ёки саноат бепул бўлса, саноат учун қилинган харажат H_2 самарадорлик кўрсаткичи H билан бир хил бўлади). Бошқача қилиб айтганда, саноат бепул бўлса, унда эҳтиёжнинг қиймати H_2 бутун саноат даражасининг H самарадорлигига тўғри келади.

Агар саноатга бўлган эҳтиёж бир ҳудуддан бошқа ҳудудга бориб қондирилса, бу қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H = H_1 + H_2 \quad (4a)$$

ёки

$$p_0 = p_1 + p_2 - p_1 p_2 \quad (4b)$$

Бу ерда: p_0 – эҳтиёжни қондиришнинг априор (ички) даражаси; p_1 – эҳтиёжни қондиришнинг ўзаро даражаси; p_2 – эҳтиёжни қондиришнинг реал даражаси. Бунда $p_1 \leq p_0, p_2 \leq p_0$ бўлади [5].

τ_1 ва τ_2 – саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва уларга мос равишда ҳаракатланишига қаршилиқлар, бунда саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда учраши мумкин бўлган тўсиқларни ҳисобга олиш шарт.

n_1 ва n_2 – саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятлари (J нормал захира шароитида).

L_1 ва L_2 – саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳар қандай ўзгаришларни тартибга

солиб турувчи норматив меъёрларини келтириб чиқаради.

2-расмда кўрсатилган жараённинг тенгламасини қуйидаги кўринишда ифодалаймиз [2]:

$$H_1 = L_1 dI/dt + I_{\tau_1} \tau_1; \quad I_{\tau_1} \tau_1 = \frac{1}{n_1} \int I_{n_1} dt;$$

$$H_2 = L_2 dI/dt + I_{\tau_2} \tau_2; \quad I_{\tau_2} \tau_2 = \frac{1}{n_2} \int I_{n_2} dt;$$

$$I = I_{n_1} + I_{\tau_1} = I_{n_2} + I_{\tau_2}, \quad (5)$$

Бунда саноат корхоналари умумий мустаҳкам тизим ҳисобланиб, унинг (процедураси) босқичлари қуйидагилардан иборат:

саноат ишлаб чиқариш имкониятини ўрганиш, унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш, алоҳида элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ошкор қилиш;


саноат тизимининг ишлаш механизми тўғрисида маълумотларни тўплаш, ахборот оқимларини тадқиқ этиш, таҳлил қилаётган тизимни кузатиш ва у билан тажриба ўтказиш ва моделлар ишлаб чиқиш;

моделларнинг адекват (мос)лигини текшириш, ноаниқликлар ва таъсир (сезувчан)чанлигини таҳлил қилиш;

ресурс имкониятларини тадқиқ этиш; саноат конхоналарида тизимли таҳлилнинг мақсадларини аниқлаш;

мезонларни шакллантириш; муқобилларини ишлаб чиқиш; танловни амалга ошириш ва қарор қабул қилиш;

таҳлил натижаларини жорий этиш.



3-расм. Саноат корхоналари таклифи (1) ва истеъмол ҳажми (2) чизиғи

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Энди саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг иқтисодий қувватлари ёки самарадорлигини ҳисоблайдиган бўлсак, албатта, саноат соҳаси турлари ўртасида тафовут борлигини

кўрамиз. Биз буни H'_1 ва H''_1 деб белгилаб олсак, унинг йиғиндиси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$H_1 = H'_1 + H''_1$ худди шунингдек, $H_2 = H'_2 + H''_2$ саноат маҳсулотлари турларига бўлган эҳтиёжларнинг қийматларини баҳолашнинг қўйилиши ва ишлаб чиқариш ҳажмидан келиб чиқади.

$$H''_2 = H'_1$$

Бунинг учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ривожлантириш мақсадида маблағ саноат корхоналарига сарфланади.


Ҳар қандай саноат корхоналарининг бошқарув тизимини мукамаллаштириш мақсадидаги таҳлил муҳим нормативлар мажмуасига ҳам боғлиқ. Функционал нормативларга режаларни қайта ишлашнинг тезкорлиги ва сифати, қуйи бўлимларнинг аниқ ташкил қилингани, оператив ҳисоб-китоб ва назорат, ҳар бир тузилма қуйи бўлимида функционал мажбуриятларининг қатъий тақсимланиши киради.

Саноат корхоналари ишлаб чиқаришдан олинadиган даромад қанча юқори бўлса, ўртача

саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни шунча ошириб боришга ҳаракат қилинади. Белгиланган режимда $H_1 = H_2 = H/2$ бўлади. Бунда $\tau_1 = \tau_2 = \tau$ бўлади, агар саноат корхоналарининг ўртача нормал вақти маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг ўртача ишлаб чиқариш вақтига тенг бўлмаса $H_2 \neq H_1$, саноат маҳсулотлари ҳажми керагидан ошиб кетади ёки етарли даражада маҳсулот етказиб бера олмайди, (3-расм), қисқа вақтда (1) саноат корхоналарининг таклифи кўпайиб, (2) саноат маҳсулотларига бўлган талаб ҳажми камайиб кетади [6].

Шунинг учун ҳам саноат даражасини меъёрлаштириш мувозанатлаштириш даврининг балансига тенг бўлиш керак (3-расм).

Шунингдек, агар 1-блокда саноат маҳсулоти пулга, 2-блокда пул саноат маҳсулотига бўлган эҳтиёжга айланса, унда 3-блокда саноат маҳсулоти пулга, 4-блок пул қийматида саноат маҳсулоти тўловларига айланади (4-расм).



4-расм. Саноат маҳсулотларининг пулга, пулдан маҳсулотга айланиш схемаси

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш мувозанатлаштирилганда, $I_3=I_4$ бўлади, ишлаб чиқариш ҳажми етарли даражада бўлмаганда ишлаб топилмаган пул оқими I_5 -истеъмолчига

кетади, саноат маҳсулотлари ҳажми ортиб кетганда, солиқ тизимига оқади, саноат корхоналарининг даромади $I_4 I_3$ сарфидан ошади.

$$I = I_1 + I_3 = I_2 + I_4; I_2 = I_1 + I_5; I_3 = I_4 + I_5. \quad (6)$$

Иқтисодий балансланган бўлса ҳам, яъни, $\tau_1\tau_4 = \tau_2\tau_3$ бўлса ҳам, n ва L ҳисобида $I_5 \neq 0$ бўлади, яъни етарлилик ёки етарли даражада эмаслик I_5 чапдан ўнгга оқса, $I_2 > I_1$ (эҳтиёж саноат маҳсулотлар ҳажмидан кўп) маҳсулотлар нархи ошади. $I_3 > I_4$ бўлса, бюджет сарфи даромаддан катта, бюджет етишмовчилиги, саноат маҳсулотларининг қимматлашувига олиб келади. $I_1 > I_2$ бўлса, (саноат маҳсулотлари ҳажми истеъмолдан кўп) нархлар пасаяди [7].

4-расмдан кўриб турганимиздек, тайёр маҳсулотдан пулга, пулдан маҳсулотга (хомашёга) айланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг айланиш даври ҳосил бўлади. Бу даврда эса саноат корхоналарини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, республика, вилоят, шаҳар ва туманларда саноат корхоналарини ривожлантиришга, яъни ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини оширишга оид режалар ишлаб чиқиш ва амалда бажарилиш ҳолатини назорат қилиш лозим.

Саноат корхоналари бошқарув тизимининг комплекс чораларини тузиш, саноат корхоналарининг фаолиятини режалаштириш ва назоратда ушлашни амалга ошириш лозим.

Саноат корхоналарида эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда имкониятлари паст бўлган корхоналарда бюджет маблағларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, унинг бажарилиши ва сарфланишини назорат қилиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Беркинов Б., Мухитдинов Х.С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ахборотлашган мулоқот тизими. // Интеллектуализация систем управления и обработки информации: Тез. докл. Меж. нар. науч. конф. 8-9 сентябрь, 1994. – Т., 1994. 197-б.
2. Денисов А.А. Современные проблемы системного анализа. Учебник. Изд. 3-е, перераб. и доп. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2009. – 304 с.
3. Харин Ю.С., Малюгин В.И., Кирлица В.П. Основы имитационного и статистического моделирования. – Мн.: Дизайн ПРО, 1997, С. 181-182.
4. Махмудов Н. Енгил саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг стратегик имкониятлари. // Иқтисодиёт ва таълим. – Т., 2010. 2-сон. 42-б.
5. Raximov A.N. Aholiga xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishini ekonometrik modellashtirish (Qashqadaryo viloyati misolida). Ijfd. ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya ishi. – Т., 2020. – 156 б.
6. Rakhimov A.N. Econometric modeling of the development of educational services to the population of kashkadarya region. //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. 2021. Т. 11. №. 2. С. 1305-1312.
7. Norimovich R.A., Kuldoshovich B.J. Improving the Development of Population Services on the Basis of Imitation Models. // Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2021. С. 51-57.
8. Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии. // Проблемы современной России. – М., 2011. С. 39-47.
9. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. Оренбург. гос. ун-т. – Оренбург: ОГУ, 2006. – 139 с.
10. Вершигора Е.Е. Менеджмент. Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 283 с.
11. Саманов А.А. Саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва зарурлиги. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnali. 1-son, yanvar-fevral, 2020-yil.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a66

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Шаназарова Гулёра Бахтияровна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада қурилиш материалларини инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёритилган бўлиб, унда саноатнинг бошқа тармоқларидан техноген чиқиндиларни кенг жалб этган ҳолда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкониятлари кўриб чиқилади, бу эса табиий хомашёни сезиларли даражада тежаш, ҳудудлардаги экологик вазиятни яхшилаш, қурилиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини кенгайтиришга имкониятлари кўрсатилган. Хулосада қурилиш материалларини инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: инновация, қурилиш, қурилиш материаллари, инновацион фаолият, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш.

ОРГАНИЗАЦИЯ ИННОВАЦИОННОГО ПРОИЗВОДСТВА
СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

Шаназарова Гулёра Бахтияровна -
Старший преподаватель
Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье рассматривается организация инновационного производства строительных материалов, в которой рассматриваются возможности производства новых строительных материалов с широким привлечением техногенных отходов других отраслей промышленности, что значительно экономит природное сырье, улучшает экологическую обстановку в регионах, повышает эффективность строительства, показаны возможности расширения типов продукции. В заключении разработаны предложения по организации инновационного производства строительных материалов.

Ключевые слова: инновации, строительство, строительные материалы, инновационная деятельность, производство строительных материалов.